

КОРРУПЦИЯ МУАММОСИНИ ЎРГАНИШДА ФАЛСАФИЙ ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.**Арипов Алишер Сайфиддинович***навоий давлат педагогика институти “ижтимоий фанлар” кафедрасининг мустақил тадқиқотчиси.**тел:+99898-189-78-88**Ўзбекистон. навоий вилояти. навоий шаҳри.*

Аннотация Мақолада коррупция муаммосини фалсафий ўрганиш ва уни профилактикасининг ўзига хос аҳамияти, коррупцияни фалсафий ёндашув орқали аниқлаш, коррупциянинг жамият ҳаётига салбий таъсири ва уни бартараф этишининг зарурлиги тўғрисида баён этилган.

Калит Сўзлар: Коррупцияни фалсафий ёндашув орқали аниқлаш, коррупцияга қарши кураш, коррупцияни олдини олиш, коррупциянинг салбий таъсири.

Аннотация В статье описано философское исследование проблемы коррупции и особая важность ее предотвращения, определение коррупции через философский подход, негативное влияние коррупции на общественную жизнь и необходимость ее устранения.

Ключевые Слова: Определение коррупции через философский подход, борьба с коррупцией, предотвращение коррупции, негативные последствия коррупции.

Annotation The article describes the philosophical study of the problem of corruption and the specific importance of its prevention, the definition of corruption through a philosophical approach, the negative impact of corruption on public life and the need to eliminate it.

Key Words: Definition of corruption through a philosophical approach, fight against corruption, prevention of corruption, negative effects of corruption.

Дунёда турли хил назарий билимлар мавжуд бўлсада, амалда баъзи бир нарсалар фарқланиб туради. Фақатгина фараз қилиниб, амалга ошмайдиган ишлар эса ҳеч қандай нафга эга бўлмайди. Қаерда назария ва амалиётнинг уйғунлиги бўлса, ўша ерда ривожланишни учратиш мумкин. Қаерда қонунлар, қоидалар ёки муайян бир билим бўлса-ю, амалда иш бермаса, яъни назария билан амалиётнинг ўртасида тафовут бўлса, ўша ерда ўз ечимини кутаётган бир талайгина муаммолар пайдо бўлиб, жамият тараққиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб туради. Коррупция эса азалдан жамиятнинг фаровон ҳаётига доимий таҳдид солиб келган долзарб муаммолардан бири бўлиб келган.

Коинотда фалсафани қизиқтирмайдиган ва қизиқилмайдиган ҳеч нарса йўқ. Мавзунинг умумийлиги ва кенглиги туфайли фалсафа бошқа барча фанларнинг мавзулари билан қизиқади, чунки фалсафий мулоҳазалар ҳар қандай мавзу бўйича

олиб борилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир фан фалсафий тадқиқот аниқлик киритишга ёрдам берадиган саволларни туғдиради ва инсоният мавжудлигининг ҳар бир соҳаси бизни фалсафий мулоҳаза юритиши мумкин бўлган муаммоларга дуч келади, масалан, коррупция, таълим, иқтисод, ҳуқуқ ва ҳоказолар билан боғлиқ масалалар⁴².

Инсоният яралибдики, коррупция муаммосига доимий дуч келган, фақатгина ўтмишда коррупциянинг кўриниши, номланиши ва турлари бошқача номлар билан номланиб келган. Яқин замонлардан бери бу билан боғлиқ барча ҳодисалар умумий номланиб, коррупция деб атала бошланди. Қадим замонлардан буён турли соҳаларда изланиш олиб борган илм эгалари коррупциянинг турли кўринишларини аниқлаб, бундай муаммоларни ечимини излаб топиш чораларини излашган. Фалсафий ёндашиш орқали жамиятга коррупциянинг илдиз отишини олдини олиш йўлларини кидиришган.

Коррупция ҳар қандай давлат ижтимоий тузилмаларининг турли элементларига хос бўлган мураккаб ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳодиса сифатида коррупцион характердаги ҳаракатларга мос келадиган кўп қиррали хусусиятлар арсеналига ва моддий бойликнинг кўплаб шаклларига эга. Бугунги кунда давлат органлари ва жамоатчилик билан алоқалар тизимидаги коррупция феномени хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ушбу мураккаб соҳага турлича эътибор қаратилаётган тадқиқот мавзусига айланмоқда⁴³. Олимлар томонидан ўз йўналишларига қараб, коррупциянинг моҳиятини англашга, уни аниқ бир формуласини топишга ҳамда бартараф қилиш чораларининг механизминини ишлаб чиқишга уринилмоқда. Бироқ, бунинг учун, даставвал коррупция тушунчасининг мукамал таърифини ва чизмасини аниқлаш зарурати бир қанча масалаларнинг тўғри ечимини топишга тўсқинлик қилади.

Кўп йиллик стандарт таърифлардан энг машхурини кўриб чиқайлик, яъни "Коррупция - бу давлат мансабдор шахсининг шахсий манфаатлар учун ўз ваколатларини суиистеъмол қилишидир" дейилади. Шак-шубҳасиз, шахсий манфаатлар учун давлат лавозимларини суиистеъмол қилиш коррупция парадигмаси ҳисобланади. Аммо, жанг учун пул тикаётган киши боксчига жанг ўтказиш учун пора берса, бу шахсий манфаат кўзлаган коррупциядир, лекин бунга ҳеч қандай давлат лавозими эгасини жалб қилиш шарт эмас; боксчи ва жанг учун пул тикаётган киши ўртасидаги муносабат одатда давлат идорасида бўлмайди⁴⁴. Амалдаги конунчилигимизда “пора” сўзига аниқ бир тавсиф мавжуд эмаслиги учун ҳам коррупциянинг ўзаги бўлган пора олиш айнан қайси ҳаракатлар эканлиги расмий

⁴² Энтони О.О. The role of philosophy in the fight against corruption in contemporary society. <https://www.journalijcar.org/issues>.

⁴³ Бондарева Я.В., Бурмакин В.М. Алгоритм философского анализа коррупции антикоррупционная просветительская деятельность. <https://www.researchgate.net/publication>.

⁴⁴ Corruption. <https://plato.stanford.edu/entries/corruption>. First published Wed Sep 14, 2005; substantive revision Fri Oct 13, 2023.

хужжатларда ва амалда кишилар онгида шаклланган тушунчалардаги ўзаро маънолари ўртасида бир қанча фарқлар мавжуд.

Асрлар давомида кўплаб файласуфлар коррупция ҳақида гапирган; 17-асрда Паскал инсониятни ёмонликка ҳасад қилишга мойиллиги учун айблаган ва Томас Хоббс: "Ҳомо хомини лупус" дегани, одамлар бошқа одамлар учун бўри эканлигини англатади⁴⁵.

Коррупцияни ўрганувчилар жуда яхши кўрадиган гўзал бир иқтибос бор: "Сув тубида сузаётган балиқлар сув ичадими ёки ичмайдими, буни аниқлашнинг иложи бўлмагани каби, иш олиб бориш учун тайинланган мансабдор шахслар ҳам сув ичадими ёки йўқми, буни ҳам билиб бўлмайди. бойликни талон-тарож қилиш ёки қилмаслик". Қадимги ҳинд сиёсий ва иқтисодий рисоласидан "Архашастра" (милоддан аввалги III аср) дан олинган. Шундай қилиб, одамлар ўшанда ҳам давлат бошқарувида жуда катта қийинчиликлар борлигини тушундилар⁴⁶. Фикримизча, коррупция, пора олиш, порахўрлик, таъмагирлик каби тушунчаларни фалсафий ёндашган ҳолда қайтадан кўриб чиқиш лозим. Чунки коррупцияни ўзи нима эканлигини аниқ билиш, уни қандай қилиб профилактика қилишни билишга имкон беради.

Яқин-яқингача коррупцияни чеклаб бўлмайди деган ғоя ҳукмрон эди. Дарҳақиқат, тадқиқотчилар кўплаб жиддий муаммоларга дуч келишди, масалан:

Биринчидан: тадқиқот мавзусининг янгилиги;

Иккинчидан: коррупциянинг яширин табиати;

Учинчидан: объектив статистиканинг йўқлиги;

Тўртинчидан: Ҳукуматларнинг бундай статистик маълумотларни тўплашдан манфаатдор эмаслиги.

Бироқ, 1995 йилда Транспаренсй Интернационал томонидан ишлаб чиқилган СРІ, коррупцияни идрок этиш индекси биринчи марта нашр этилди. Ушбу композит индекс бугунги кунда энг нуфузли ҳисобланади. Ушбу ишда фойдаланилган СРІ 2008 13 та манбадан тузилган, уларнинг ҳар бири ўз рейтинг ва рейтинг тизимига эга. Транспаренсй Интернационал экспертларининг вазифаси даражаларни стандартлаштириш ва балларни ягона шаклга, яъни СРІга айлантиришдир. Дастлабки индексларни тайёрлашда эксперт гуруҳлари (кўпинча ўрганилаётган мамлакатларнинг тадбиркорлари), социологик сўровлар респондентлари ва турли халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этадилар⁴⁷.

Шундай бўлсада, коррупцияни очиб берувчи янада кўпроқ кўрсаткичлар рўйхатини тузишимиз мумкин, фақатгина маълум бир доирадаги экспертлар гуруҳининг ёки ташкилотларнинг фикрлари, социологик сўровлар, жинойтчиликни

⁴⁵ Фади А. The Philosophy of Corruption. <https://www.linkedin.com/pulse/philosophy-corruption>. October 29, 2023.

⁴⁶ Другов М. Непобедимая коррупция: во сколько она обходится обществу и как ее лечить. <https://www.forbes.ru/obshchestvo/403071>.

⁴⁷ Коррупция: причины возникновения, влияния и методы борьбы. <https://mirec.mgimo.ru/2009/2009-01>.

рақамларда бўлган ифодаси коррупция даражасини тўлиқ намоён қила олмайди. Коррупциянинг ошқор бўладиган кўринишларидан кўра, яширин кўринишлари жуда ҳам кўп бўлади.

Фуқаролар, жамият ва давлат учун энг хавфли ҳодисалардан бири бўлган коррупция чуқур тарихий ва психологик илдизларга эга. Афсуски, кўпчиликнинг онгида бу курашиш учун фойдасиз кенг тарқалган ҳодиса сифатида оддий ҳолга айланди ва коррупцияга қарши ҳар қандай чора-тадбирлар самарадорлиги кўпинча фуқаролар томонидан жуда паст баҳоланади⁴⁸. Шунинг учун ҳам коррупциянинг яширилиши осон кечади ва жамиятнинг турли муносабатлари ичига сувга тушган тош каби йўқ бўлиб кетади.

Коррупция натижасида ҳокимият органларининг нормал фаолияти бузилади, моддий зарар етказилади, нафақат алоҳида фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, балки бутун жамият ва давлат манфаатларига путур етказилади⁴⁹. Бироқ ривожланган ва авж олган коррупция жамиятда кўринмас тус олади. Уни кўриб, билиб турганлар учун эса одатий ҳол ва турмуш тарзига айланади. Ундан азият чекувчилар эса кундан кунга кўпайиб боради, охир оқибат коррупция асосида қурилган жамият ҳаёти таназзулга учрайди. Бунга яққол мисол қилиб, собиқ совет даврини келтиришимиз мумкин.

Коррупция инсоният жамиятининг тузилишини йўқ қилиши мумкин бўлган эндемик муаммодир. Муайян жамиятдаги қашшоқлик ва азоб-уқубатлар миқдори маълум даражада жамиятнинг коррупция индексидан далолат беради. Аммо коррупция вакуумда ривожланмайди⁵⁰.

Айтиш жоизки, коррупция мавжуд бўлмаган жамият ва давлатнинг ўзи йўқ. Бироқ, коррупциянинг профилактикаси ўз вақтида таъминланмас экан, ўша давлат ёки жамият тез орада инқирозга юз тутаяди, яъниким коррупция уни таянч устунларини кемириб йўқ қилади.

⁴⁸ Атагимова Э.И. Что такое коррупция и как с ней бороться. Москва-2015. 4-бет. <https://minjust.gov.ru>.

⁴⁹ Что такое коррупция? <https://barnaul.org/advisor/pravoporyadok-i-bezopasnost/chto-takoe-korrupsiya>.

⁵⁰ Бартоломей Н. The Role of Philosophy in a Corrupt Society: Deconstructive-Reconstructive Approach. <https://www.acjoi.org/index.php/jatrep/article/view/2226/2193>.